


IX. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ХИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



Ўртача ойлик номинал хисобланган иш ҳақи. Тошкент вилояти бўйича 2019 йил январь-декабрь ойларида ўртача ойлик номинал хисобланган иш ҳақи 2 488,9 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111,1 % га ошганини кўриш мумкин. Худудлари бўйича ўртача ойлик иш ҳакининг юкори миқдори Олмалиқда 3985,0 минг сўмни (вилоят ўртача ойлик иш ҳакига нисбатан 159,8 %), Бекобод шаҳрида 2916,6 минг сўмни (117,0 %), Нурафшон шаҳрида 2670,9 минг сўмни (107,1 %) ташкил этди. Аксинча, Бекобод туманида 1574,5 минг сўмни (63,1%), Паркент туманида 1705,7 минг сўмни (68,4 %), Бўка туманида 1683,9 минг сўмни (67,5%), Оққўргон туманида 1803,3 минг сўмни (72,3 %) ташкил этиб пастлигини кўриш мумкин.

Худудлар бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи¹
(2019 январь-декабрь ойларида вилоятдаги ўртacha ойлик иши ҳақига нисбатан, % да)




¹ қишлоқ хўжалиги корхоналари ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2019 йил январь-декабрь, қишилоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик
субъектларидан ташқари, минг сўм)

| | <i>2018 йил январь-декабрь</i> | <i>2019 йил январь-декабрь</i> | <i>2018 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</i> |
|-----------------------|------------------------------------|------------------------------------|---|
| Вилоят бўйича: | 2063,1 | 2488,9 | 120,6 |
| <i>шаҳарлар:</i> | | | |
| Нурафшон | 1987,3 | 2666,0 | 134,2 |
| Олмалиқ | 3520,4 | 3977,7 | 113,0 |
| Ангрен | 1700,3 | 1982,3 | 116,6 |
| Бекобод | 2600,3 | 2911,2 | 112,0 |
| Чирчик | 1980,8 | 2418,8 | 122,1 |
| Оҳангарон | 1870,8 | 2304,7 | 128,9 |
| Янгийўл | 1572,4 | 1969,8 | 125,3 |
| <i>туманлар:</i> | | | |
| Оққўргон | 1345,4 | 1703,8 | 133,7 |
| Оҳангарон | 1462,8 | 1977,1 | 143,8 |
| Бекобод | 1190,5 | 1488,0 | 132,0 |
| Бўстонлиқ | 1482,3 | 1980,7 | 140,2 |
| Бўка | 1336,7 | 1651,0 | 125,7 |
| Зангиота | 1682,4 | 2279,6 | 142,7 |
| Қибрай | 2011,2 | 2184,7 | 114,6 |
| Қўйичирчик | 1440,3 | 1735,4 | 126,0 |
| Паркент | 1322,6 | 1589,0 | 128,7 |
| Пискент | 1330,1 | 1651,6 | 134,4 |
| Ўртачирчик | 1747,0 | 1864,4 | 115,6 |
| Чиноз | 1544,5 | 1769,8 | 119,7 |
| Юқоричирчик | 1523,5 | 1971,9 | 138,4 |
| Янгийўл | 1654,8 | 2146,0 | 131,5 |
| Тошкент | 1664,5 | 1926,9 | 117,9 |

Худудлар бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2019 йил январь-декабрь, қишилоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик
субъектларидан ташқари, минг сўм)




Худудлар бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари % да

(2019 йил январь-декабрь, қшилоқ хўжалиги ва

кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Иш ҳақи. 2019 январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қўйидагиларни кўрсатмоқда (*2019 йил январь-декабрь, қишилоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм*):



Таълимда 1585 та муассасада 76322 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 28,0 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 1738117,6 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидағи улуши 21,1 %ни) ташкил этган. Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1897,8 минг.сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 131,9 %га ўсди;



Саноатда 99 та корхонада 95117 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши - 34,9 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 4 065 381,1 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидағи улуши 49,3 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 3561,7 минг.сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 156,4 %га ўсди;



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 115 та муассасада 38866 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 14,2 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 668652,7 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидағи улуши 8,1 % ни) ташкил этган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1433,7 минг. сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 130,3 %га ўсди;



Ташиш ва сақлашда 27 та корхонада 3765 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,4 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 71567,3 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,9 % ни) ташкил этган. Ташиш ва сақлаш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1584,0 минг.сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 106,3 %га ўсди;



Молиявий ва суғурта фаолиятида 82 та муассасада 3650 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,3 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 166765,1 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 2,0 % ни) ташкил этган. Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган ишҳақи 3807,4 млн.сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 148,4 %га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2019 йил январь-декабрь ойларида Тошкент вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2488909,9 сўмни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиги, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 111,1 % га ўсиши кузатилди.